
Маҳалладошлар бир дастурхонга жам бўлдилар

Юртдошларимизга кўтаринки кайфият бағишлайдиган, уйғониш ва гўзалликни ўзида ифода этувчи Наврўз айёми Узумчи маҳалласида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Маҳалла гузарида ташкил этилган шодиёнада туман ҳокими Шамсиддин Турдалиев иштирок этиб, Наврўз байрами халқларни бирлаштириб, тинчлик, меҳр-оқибат, эзгулик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этувчи, бутун дунёда дўстлик ва ҳамжиҳатликка даъват қиладиган халқаро байрамлардан бирига айланганини эътироф этди. Шунингдек, йиғилганларни байрам билан табриклади. Шунини таъкидлаш жоизки, барча гўшаларда бўлгани каби, бу маҳаллада ҳам эътирофга молик ишлар амалга оширилди. Улкан бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш юмушлари, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Худуд янада ободонлаштирилди, қабристон ва марказий кўчалар тартибга келтирилди. Шодиёнада нуронийлар дуога қўл очиб, Юртимиз янада тараққий этиши, деҳқончиликлар мўл бўлишини Яратгандан сўрадилар.

2022-03-25 18:36:00